21«11»2022 yil.

**51-11-157-DUM/2022-son**

# MAHSULOT YETKAZIB BERISH SHARTNOMASI

Фарғона шахар «Chimyon Baraka Savdo Servis» маъсулияти чекланган жамияти (келгусида хужжатда «Сотувчи» деб юритилади) номидан, Низоми асосида харакат килувчи рахбари А.Ахмедов бир томондан хамда Қўштепа тумани 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати (келгусида хужжатда «Харидор» деб юритилади) номидан унинг Низоми асосида иш юритувчи, Н. Мадалиев рахбари иккинчи томондан мазкур шартномани тузиб куйидагилар хакида келишадилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1«Сотувчи» ўзига тегишли бўлган захира қишлоқ хўжалиги махсулотларини сотиш, «Харидор» эса қабул қилиб олинган махсулот ёки товар (кўрсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА БАХОСИ 2.1

| Т/р | Махсулот(хизмат) номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Жами киймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Картошка захира | Кг | 1500 | 4400 | 6 600 000 |
| | Жами: | | | | **6 600 000** |

2.2.Шартноманинг умумий бахоси : **6 600 000 (олти миллион олти юз минг)** сўм

## III.МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» етказиб берилаётган махсулот (кўрсатилган хизмат) кийматининг 30 фоизи микдорида пул маблағини олдиндан ўтказиб беради. Қолган қисмини махсулот тўлиқ етказиб берилганидан сўнг 30 кунлик муддат ичида ўтказиб беради.

## IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1.Махсулотларни етказиб бериш вакти «Chimyon Baraka Savdo Servis» маъсулияти чекланган жамияти томонидан ноябр ой давомида хар иш кунида соат 8:00 дан 16:00 га қадар«Сотувчи»нинг транспортида Харидорга етказиб берилади.

## V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки махсулот (хизмат) ларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертфикати, лицензйя), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабларига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган холда белгиланган вақтда «Харидор»га махсулотларни етказиб бериш;
- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни бир кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк бахосини қайтариб бериш.
- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор»нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган холда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вактида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.
- Махсулотларни қабул қилиб олиш вақтида аниқлаш имкони бўлмаганлиги учун тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аникланган тақдирда бу хақда дархол (1 кун ичида) сотувчига хабар бериб, унн иштирокида махсулотларни холати юзасидан далолатнома тузади ва ушбу махсулотни зудлик билан сифатли махсулотга алмаштириб бериш

хакида Сотувчига талабнома юборади. Сотувчи (вакили) нинг махсулотлар холатини ўрганиш учун ўз вактида келмаслиги далолатнома тузиш учун тўскинлик килмайди ва уни жавобгарликдан озод килмайди.

- Тўлик расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаган тақдирда «Харидор»га кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0,5 % миқдорида, лекин кечиктирилган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаган миқдорда «Харидор»га пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги хамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда «Сотувчи» ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

7.4. «Харидор» томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган сумманинг 50 % дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

7.5 «Сотувчи» томонидан махсулот етказиб берилган захоти (махсулот номи, ўлчов бирлиги, миқдори, нархи, суммаси, якуний жамланмаси чиқарилган холда) тўлиқ расмийлаштирилган юк хати тақдим этади.

## VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТУГРИСИДА.

8.1. Томонлар уларнинг кафилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида корупцияга қарши курашиш сохасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ёки коррупция характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни вада қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти харакатлари ва харакатсизликларини содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг кафилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларнинг беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти харакатларни, харакатсизликларни бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

8.2. Томонлар ушбу шартноманинг 8.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубхалар юзага келган тақдирда, тегишли томон бу хақида иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш сохасидаги ЎзбекистонРеспубликаси конун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактини рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган холда эса-амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органларни хам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Тарафлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (сув тошкини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки енгиб бўлмас бошқа холатлар) шартномавий мажбуриятларини бажараолмаган тақдирда жавобгарликдан озод этилади.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

## X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Шартноманинг 7.5 бандига амал қилинмаган холатда шартнома тўғридан тўғри бекор қилинади

10.2. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафларнинг келишуви билан, ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда иктисодий судлари орқали хал қилинади.

10.3. Шартнома тарафларнинг келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари асосида ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

10.4. Шартнома муддати 2022 йил « 31 » декабргача бўлиб, тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилгунга қадар кучда бўлади.

10.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади ва тарафларда 1 нусхадан сақланади.

10.6 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
|---|---|
| «Chimyon Baraka Savdo Servis» маъсулияти чекланган жамияти | Қўштепа тумани 2- ИДУМИ |
| Манзил: Фарғона тумани, Парвоз, Фаровон турмуш кўчаси № 1 | Манзил:Қўштепа тумани Қумтепа мфй Б. Марғилоний кўчаси № 65 уй |
| х/р:20 208 000 004 822 650 001 | х/р:100021860302067092300075001 |
| Банк номи: Хамкорбанк АТБ Фарғона минтақавий фил-ли<br>МФО: 01155<br>СТИР: 301 442 271<br>ОКОНХ: | СТИР: 206 889 094 ОКОНХ: 92 310<br>МолияВазирликҒазначилиги<br><br>Ғазна х/в:23402000300100001010<br>Банкнинг номи:Марказий банк ТШББ<br>МФО:00014 СТИР:201122919 |
| Рахбар: А.Ахмедов<br>(Ф.И.Ш)<br>(имзо)<br>М.Ў. | Рахбар: Н.Маматиев<br>(Ф.И.Ш)<br>(имзо)<br>М.Ў |

Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.

| | |
|---|---|
| Imzolovchi F.I.SH. | SHAVKATJON RAXIMOV ALIYORJONOVICH |
| Imzolangan sana | 21.11.2022 10:10 |
| Hujjat kodi | **IT6234341256** |
| Hulosa kodi | **ZQ6456521830** |

ZQ6456521830.pdf

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQI XULOSA

ZQ6456521830

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Kartoshka maxsulotini etkazib berish 6 600 000 s

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: QO'SH TUMAN 2-SONLI KIMYO VA BIOLOGIYA FANLA IXTISOSLASHTIRILGAN UMUMTA'LIM MAKTAB-INTERNATI tom 16.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qilish maqsadga muvofiq.

Qo'shtepa tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti:

I.T.ASAMUTDINO
21.11.2022